



Нукус шаҳри

Некис қаласы

№ 30-6

« 14 » февраль 2018 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳамда ундаги вазифа ва тадбирларни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги амалий чора-тадбирлари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2018 йил 5 февралдаги 17-сон мажлис баёни ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони ижросининг мониторингини юритиш ва умумлаштириш бўйича Вазирлар Кенгашининг **Штаби таркиби 1-нловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Кенгашининг Штаби (А.Сейтжанов) вазифаси этиб куйидагилар белгилансин:

“Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 27 январдаги 45-сонли қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий дастурида белгиланган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш;

Қорақалпоғистон Республикаси вазирлик, идора, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Мониторинг натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни ҳар ҳафтада Вазирлар Кенгашида муҳокама қилиш мақсадида Вазирлар Кенгаши Раисига киритиб бориш.

4. Тўғриқат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни қоғоз ва электрон шаклларда имзоланган ҳолда 2-иловага мувофиқ шаклда (қайд этилган Раёсат мажлиси баёнининг 5-илоvasи) ҳар ойнинг 1 санасига қадар асослантирувчи маълумотлар билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиб бориш таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси мутассадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликларига “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Кенгаши Штабига ҳар ҳафтада тегишли маълумотлар киритиб бориш топширилсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини таъминлашни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев

Қўрақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил «17» февралдаги  
30-Б - сонли қ-р-м-ойишига  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги  
«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта  
устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик,  
инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» амалга  
оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони ижросини  
мониторингини юритиш ва умумлаштириш бўйича Вазирлар Кенгашининг  
**ШТАБИ ТАРКИБИ**

- А. Сейтжанов** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг бош мутахассиси, ШТАб раҳбари
- Б. Пиржанов** - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жамоат, нодавлат, ногижорат ва диний ташкилотлар бўлими етакчи маслаҳатчиси
- У. Тлеуниязов** - Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бош мутахассиси
- М. Тажмуратов** - Қорақалпоғистон Республикаси Инвестиция қўмитасининг бўлим бошлиғи

*Илоҳ: ШТАб викига зарур бўлган ҳолатда вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари қўшимча ҳисоб этиштириши мумкин.*



Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил «17» февралдаги  
30-Б - сонли фармойишига  
2-илова

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан  
**МАЪЛУМОТ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Бажарилган иш, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (қиммат, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
<b>1. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларининг ролини янада қучайтириш</b>						
1.						
2.						
3.						
...						

Изоҳлар:

- Маълумотларни тақдим этишда «Сарф-харажатлар» устунисида маълумот тақдим этилган кунга қадар амалга оширилган сарф-харажатларнинг аниқ миқдорлари кўрсатилиши лозим.
- «Молиялаштириш манбалари» устунисида лойиҳани қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилганлиги аниқ кўрсатилиши лозим (масалан, Давлат УМУБюджети маблағлари, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ёки грант (ҳомий) маблағлари ва х.к.)
- «Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси» устунисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳолати аниқ кўрсатилиши лозим. Масалан, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг номи, уни ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар (ишчи гуруҳи, тузиш, хорижий тажрибани ўрганиш, таклифлар олиш ва х.к.), лойиҳани келиши жараёни, унинг қайси босқичда эканлиги ҳамда лойиҳани Ҳукуматга киритилиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқ кўрсатилиши ҳамда уни Ҳукуматга киритилган хати нусхаси илова қилиниши лозим. Бунда лойиҳани киритиш билан боғлиқ хатларнинг реквизитлари (санаси ва рақами) ҳам кўрсатилиши лозим.

Раҳбар

/имзо/

Ф.И.О